

ЗООФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК СТРУКТУРАСИГА ДОИР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11002090>

Азамов Омаджон Бурхонович

ф.ф.ф.д.(PhD), доцент

Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудури

Анджон давлат чет тиллари институти

Email: azamovomadjon@gmail.com

Зоофраземаларнинг семантик структураси ҳам тилнинг семантик дунёсини ифодалашда муҳим омил ҳисобланади. Фраземадаги семантик муносабатлар ибора таркибидаги бош зоокомпонентнинг коннотациясидан бошланади⁵¹.

Маълумки тилда зоонимлар коннотатив маъноси асосида метафорик кўчим орқали қайта номлаш хусусиятига эга бўлади. Шу асосида зоофраземалар ҳам **ижобий**, **салбий** ва **нейтрал** маъно ифодалаш хусусиятига эгадир. Таҳлиллар натижасига кўра немис тилдаги зоофраземалар *уддабуронлик, ишбилармонлик, кучлилик, мағрурлик, соғломлик, меҳнатсеварлик, гўзаллик, садоқатлилиқ, донишманлик* каби қатор ижобий маъноларни ифодалаш маълум бўлди. Бунга кўра *уддабуронлик* маъносини ифодаловчи зоофраземалар асосан: *der Affe* – маймун, *der Aal* – илон балиқ, *der Hecht* – чўртан балиқ, *die Katze* – мушук; *ишбилармонлик* маъносини: *die Fliege* – пашша, *der Hase* – қуён; *кучлилик* маъносини: *der Bär* – айиқ, *der Stier* – буқа; *соғломлик* маъносини: *der Bär* – айиқ, *der Gaul* – от, *das Pferd* – от, *меҳнатсеварлик* маъноси: *die Biene* – асалари, *das Eichhörnchen* – олмахон, *der Esel* – эшак, *das Nest* – куш ини, *der Stier* – буқа; *гўзаллик* маъноси: *die Biene* – асалари; *садоқатлилиқ* маъноси: *das Pferd* – от, *der Bock* – така; *донишманлик* маъноси: *die Eule* – бойқуш; *мағрурлик* маъноси: *der Hahn* – хўроз, *der Hecht* – чўртан балиқ каби зоонимлар иштирокида шакилланган зоофраземалар орқали ифодаланганлиги маълум бўлди. Шу ҳам этибордан четда қолмаслик керакки, немис тилида *die Biene* – асалари иштирокидаги иборалар фақат ижобий (гўзаллик, меҳнатсеварлик) маъноларни ифодалаб келган. Масалан:

- *dufte Biene – ein sehr hubsches Mädchen (гўзаллик)*

⁵¹ Тишкина Диана Алексеевна. Фразеологический единицы с компонентом- зоонимом в английском и русском языках: сопоставительный анализ. АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Казань- 2008. 9,10- б.

офатижон, кетворган, хушрӯй, зебо, сохибжамол, нозанин

Жумлада келиши: *Guck mal, die da drüben mit dem Paul tanzt, das ist eine duftende Biene, was?* – қара, ичкарида Паул билан рақсга тушаётган қиз офатижон экан.

- emsig (od. fleissig) wie e-e Biene – *sehr fleißig*(меҳнатсеварлик)

ғайрати жўшқиган, чумолидай меҳнаткаш

Жумлада келиши: *Na, der Pullover soll wohl noch bis Weihnachten fertig sein.*

Deswegen strickst du so emsig wie eine Biene – Ҳа, женфер Рождество байрамигача тайёр бўлиши керакда, шунинг учун жонсарак бўлиб тўқияпсан.

- e-n Bienenfleiss entwickeln (od. an den Tag legen)- *außerordentlich fleißig sein*

жонсарак, чумолидай меҳнаткаш, меҳнатсевар

Жумлада келиши: *Fräulein Müller legte heute so einen Bienenfleiß an den Tag, sie*

will wohl früher Feierabend haben – Хоним Мюллер бугун чумолидай меҳнаткаш, чунки у бугун эртарок ишни тугатмоқчи.

- mit Bienenfleiss – *mit besonderem Fleiß*(меҳнатсеварлик)

астойдил, ғайрат билан

Жумлада келиши: *Klara, du musst mit Bienenfleiß lernen, sonst schaffst du die*

Prüfung nicht – Клара, сен астойдил ўрганишинг керак, акс холда имтихондан ўтолмайсан.

Салбий маъно ифодаловчи зоофраземалар ҳам немис тилида тасвирий восита сифатида мўҳим аҳамиятга эга. Ҳайвон номлари билан шакилланган фраземалар аксарият холларда салбий маъно ифодалаши кўп сонли соҳа мутухасислари томонидан таъкидланиб келмоқда. Аниқланган маълумотларга кўра немис тили зоофраземалари: *ахмоқлик, бесўнақайлик, қайсарлик, ичкиликбозлик, такаббурлик, ишёқмаслик, ўғрилиқ, ишончсизлик, қўполлик, раҳимсизлик, айёрлик, хиёнаткорлик, суюқоёқлик* каби салбий маъноларни жуда кўп холларда ифодалайди. Масалан, *ахмоқлик* маъносини: *der Esel* - эшак, *die Gans* - ғоз, *das Huhn* - товуқ, *das Luder* - ўлимтик, *die Sau* - урғочи чўчқ, *das Schwein* - чўчка, *der Wurm* - курт, чувалчанг; *бесўнақайлик* маъносини: *der Bär* - айиқ, *der Elefant* - фил, *das Schwein* - чўчка, *der Ochs* - буқа, хўкиз, *der Stier* - буқа, хўкиз; *қайсарлик* маъносини: *der Bock* - така, *der Esel* - эшак, *das Horn* - шох, мугуз; *ичкиликбозлик* маъносини: *der Affe* - маймун, *die Ente* - ўрдақ, *der Fisch* - балиқ; *такаббурлик* маъносини: *der Affe* - маймун; *ишёқмаслик* маъносини: *der Drohn* - эркак асалари, *das Luder* - ўлимтик, ўлакса; *ўғрилиқ* маъносини: *die Elster* - ҳакка, зағизғон; *ишончсизлик* маъносини: *der Affe* - маймун, *der Bock* - така; *қўполлик* маъносини: *der Bär* - айиқ, *der Elefant* - фил, *das Maul* - тумшук; *раҳимсизлик* маъносини: *das Fell* - тери, *der Hase* - қуён, *der Pudel* - пудель, *die Schwarte* - қаттиқ чўчка териси;

айёрлик маъносини: der Aal – илонбалиқ, der Fuchs – тулки, der Hase – қуён, die Katze – мушук, die Schlange – илон; ҳиёнаткорлик маъносини: die Schlange – илон, das Horn – шох, мугуз; суюқоёқлик маъносини: das Luder – ўлимтик, ўлакса каби зоокомпонентлар асосида шакилланган зоофраземалар ифодалашига ойдинлик киритилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, зоофраземалар ижоби ҳамда салбий маъно ифодаси билан бирга нейтрал маънони ҳам ифодалаш мумкин. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳайратланиш, зайритабийлик, жазо, ҳимоя, тиқилинч, хабарсизлик, ягоналик, ҳаёлпарастлик, бойлик, қор ёғиш, узоқ манзил, туман қаплаши, тезлик каби жуда кўп нейтрал маъноларни ифодалашини кўришимиз мумкин. Масалан:

- aus der Froschperspektive – von unten gesehen

пастандан қараганда

Жумлада келиши: *Eine besonders frappierende Wirkung haben oft Porträts, die aus der Froschperspektive aufgenommen sind.*

- der Fuchs muss zum Loch heraus - die Sache muss aufgeklärt, die Ursache muss gefunden werden

ишнинг тагига етиш керак, бу иш барҳам топиши керак, бартараф этилиши керак

Жумлада келиши: *Die hässlichen Gerüchte, die neuerdings gegen mich kursieren, lassen mir keine Ruhe. Ich muß der Sache mal auf den Grund gehen, der Fuchs muß zum Loch heraus.*

- Wo sich die Füchse (od. einander) gute Nacht sagen – in einer einsamen, abgelegenen Gegend

ернинг бир бурчагида, ит топмас жойда, овлоқда

Жумлада келиши: *Sein Haus gehört schon noch zu unserem Dorf, aber es liegt weit draußen, wo sich die Füchse gute Nacht sagen.*

Шу ўринда қисқача хулоса қилиш мумкинки, немис тилидаги умумий 850 та зоофраземнинг семантик структураси борасидаги тадқиқотнинг натижаси ўлароқ, фраземаларнинг 251 тасида ижобий, 340 тасида салбий ва қолган 259 тасида нейтрал маъно ифодаланганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Азамов, Б. О. (2022). ТИЛШУНОСЛИҚДА ЗООНИМ

КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ ИЛК ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ. *Results of National Scientific Research International Journal*, 1(6), 145-154.

2. Омаджон, А. Б. (2022). ЗООФРАЗЕМАЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(24), 659-664.

3. Азамов, О. Б. (2022). THE PLACE OF PHRASEOLOGICAL SYSTEM IN EUROPEAN LINGUISTICS AND EARLY PHRASEOLOGICAL STUDIES. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ЯЗЫКА, ОБРАЗОВАНИЯ, ПЕРЕВОДА*, 3(1).

4. Burxanovich, A. O. (2022). THE PLACE OF PHRASEOLOGICAL SYSTEM IN EUROPEAN LINGUISTICS AND EARLY PHRASEOLOGICAL STUDIES. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 2(1.6 Philological sciences).